

**Юсупова Каромат Жўраевна**

*Қашқадарё вилояти Касби туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактаби, она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси*

Тил миллатнинг қиёфаси, қалбидаги жажжи ватани экани ҳаммамизга маълум .

Тил вужуд булса, сўз унинг либосидир. Айтаётган, ёзаётган сўзларимиз ана шу либос кўркамлигидан. Бутун инсоният ер шарининг қайси бурчагида яшамасин, айтмоқчи бўлган фикрларини ўзи учун қадрли ва кўркам деб билган она тилида ифодалайди. Ижодкорларимиздан бири Ватанни ёқимли мусиқадек жарангловчи сўз" деб таърифлаганди. Мен она тилимизни ҳам шу таърифга хос ва мос деб биламан. Шундай бўлмаганида, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов "Она тилим, сен борсан шаксиз,

Булбул куйин шеърга соламан", - дея фахрланармиди?!

Қизиқ "СЎЗ"ни илк бора ким "СЎЗ" дея атаган экан? Сўз соз сўзига оҳангдош. Создан ёқимли куйлар тарағанидек, сўзлар ёқимли куйлардек жаранглайди.

Мусофириликда, сенинг тилингда сўзлашмайдиган одамлар орасида юрганингда, биргина сухбатдошга муҳтоҷ бўлганингда, ўз тилингда айтилган сўзлар она алласидек ёқимли эшитилади, оҳанрабодек ўзига тортади.

Бири уч йил, бири беш йил давомида Россия давлатида ишлаб келган эгизак қўшниларимиз -Ҳасан - Ҳусанлар уйларига тилимизни соғиниб, сувга ташна инсонлардек бўлиб қайтганларини таърифлашга сўз ожиз. Кимдир беихтиёр русча сўз қўшиб гапирса, "Ўзбекча гапир, ўзбек тили қанчалик қадрли эканини билмайсан-да", - дея танбех беришарди.

Тил ўзлигимизни англашнинг бош белгисидир. Буни Ўзбекистон халқ ёзувчиси Сайд Аҳмаднинг "Коракўз мажнун" ҳикоясида тасвирланган воқеа орқали теранроқ англаш мумкин.

Ҳикояда келтирилишича, Саодат аянинг ўғли Бўрихон олтмиш еттинчи йилда армияга кетади, ҳарбий хизмати тугаса-да, уйига қайтмайди. Уйланиб, бола-чақали бўлиб, қолиб кетади. Баъзи-баъзида ундан "Я здоров" деган икки энликкина хат кела-ди.

Қўлидан иш келиб қолган невараси Анваржон тоғасини излаш учун чиқиб кетиб 20 кун деганда дарагини топади. Бу гапдан хабар топган қўшни хотинлар кампирни қутлагани кирадилар.

"Бувижон, ташвишланманг, тоғамнинг ишлари "беш", рўзгори бут, тирикчиликдан ками йўқ. Учта боласи бор. Ўзи ўзбекчани эсидан чиқариб юборибди. Мен билан ўрисча гаплашди. Қишлоқдагилар тоғамни Бўрихон демай, "дядя Боря" деб чақиришар экан". Бу гапни эшигтан кампир ер ёрилса-ю, ерга кирса.

Кизи Дилбархоннинг уйига меҳмонга кетган кампир шомга яқин кайтади. Уйи олдида бетоқат турган одамлар "дилингизга ёруғлик тушгани муборак бўлсин!", -дея қаршилашади. Кампир тут тагидаги супада ёши олтмишлардан ошган нотаниш бир одамни кўради. Унинг қўзлари ... бундан 32 йил олдинги Бўрихоннинг қўзлари эди. Кампир уни бағрига босиб йиғларкан ўғли: "Ну зачем, зачем плачешь мама, вот и я приехал, хватит, хватит" деб русча гапиради. Кампир тушунмайди. "Каёкларда юргандинг?" деган саволига ҳам тушунмай, елка қисиб қўяди. Она боласининг юзига қараб эзилиб кетади. Кариб, адойи тамом бўлганлигидан, башарасига ҳам ўша томонларнинг нуқси уриб, ўзбеклиги колмаганлигидан қаттиқ хафа бўлади. Ўғлининг оёғи остига қўй сўймоқчи бўлган қассоб ҳам аввал фотиҳа сўраб, кейин унинг ўзбекча билмаслигини айтиб кампирнинг юрагига тегади.

Бунинг устига ўғлини бўйнида христианлик белгисини кўрган кампир: "Ох, отаси тирик бўлганидами, шу супа устида болта билан чопиб ташларди-я!", - дея ҳушидан кетади... "Хожи она" бўлганлиги хушхабари умрини икки кунгагина узайтиради. Унинг "музлаган баданидан муз" эримай осонгина жон беради.

Ҳикоядан кўринадики, ТИЛдан воз кечиш, унутиш – ўзлигидан қайтиш демакдир. Инсон учун бу маънавий фожиа. Одамзод она тилисиз миллат сифатидаги киёфасини сақлаб қололмайди. Тилини йўқотган эл халқ сифатида ҳам унутилади. Она тилимизга ҳар хил таъсирлар кўпайган пайтда ҳар бир ўзбек фарзанди уни асраш учун қаттиқ жон куйдириши кераклиги Сайд Аҳмад қаламида бўй – басти билан кўрсатиб берилади.

Она тилим, қадринг ҳам, қаддинг ҳам мудом тик бўлсин! Шеваларингдан таралиб турган ифорларингдан айланай. Луғатларингда жамланган сўзларингдан бўйнимга бўйтумор илай. Давлат тили мақомотингга кўз тегмасин. Лаззат булоғидан сув ичиб томир отган ўтмишини бугунгача боғлаётган руҳингдан айланай!